



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 6 март, № 45 (3590)

Якшанба

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам онахонлар!
Қадри опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчангизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан самимий қутлаб, сизларга ўзимнинг хурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилақларимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Бу байрам юртимизга ҳар йили баҳор фаслининг илк даракчиси каби кириб келади ва биз уни Меҳр-муҳаббат, нафосат айёми сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаймиз. Ва шу байрам тимсолида Баҳор ва Аёл тушунчаларининг нақадар уйғун эканини, бир-бирини нечоғли маъно-мазмун билан тўлдиршини яна бир қарра англаймиз, дилдан хис этамиз.

Агар мендан, бу ҳаётнинг гўзаллиги ва бетакорлиги нимада, деб сўралса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганнинг бекиёс мўъжизаси бўлиши сиз меҳрибон аёлларимизнинг назоқатида, вафо ва садоқатида, сизларнинг сиймонгиздан таралиб турадиган нур ва эзгуликда, мунис оналаримизнинг қалб саховатида, деб жавоб берган бўлардим.

Азиз опа-сингилларим, аввало, сизларнинг чексиз сабр-бардошингиз, сеҳри қўларингиз, тинимсиз меҳнатингиз ва ҳаракатларингиз билан хонадонларимиз обод, кўнгилларимиз шод. Фарзандини оқ юшиб, оқ тараб вояга етказадиган, дилбанди учун жонини ҳам аямайдиган, ҳаёт давомийлигини асраб келаётган сиз, қадрдонларимизнинг ҳар бир кунингиз том маънодаги фидойилик намунасида.

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг қайси томонини олмайлик — оддий оиланинг рўзгорини тебратишдан тортиб давлат ва жамият қурилишигача, иқтисодий-ни ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиётигача — бу соҳаларнинг барчасини аёлларнинг иштироки-сиз тасаввур этиб бўлмайди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги кунда янгилаш ва юксалиш йўлидан бораётган Ўзбекистонимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва маъқеини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва унинг самарасини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Аёлларимизнинг кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида, демократик жа-раёнларда, нодавлат ташкилотлар фао-

лиятидаги роли ва ҳиссаси тобора ортаётгани барчамизни қувонтиради.

Шулар қаторида опа-сингилларимиз табиатнинг ўзи ато этган мураббийлик ва тарбиячилик фазилатларини, ақл-заковат ва ғайрат-шижоатини намоён этиб, хонадонларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида, бутун жамиятимизда тинчлик ва оқилоналикни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни осуда ҳаётимизга таҳдид солаётган турли хавф-хатарлардан асраш борасида жон куйдириб меҳнат қилаётганлари айниқса таҳсинга сазовор.

Шу билан бирга, биз қонунчилигимизда, қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аёллар учун белгилаб берилган имконият ва имтиёزلарни, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш учун жойларда ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам яхши тасаввур этамиз.

Бу ҳақда гапирганда, фақат аёл зоти бажара оладиган ишлар — бу хоҳ оилавий юмушлар, фарзанд тарбияси бўлсин, хоҳ даладаги меҳнат, хизматдаги вазифа бўлсин — ана шу меҳнатнинг қадрига етиш, уни муносиб баҳолаш, турли минбарлардан аёллар шаънига айтиладиган чиройли гапларни амалда рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш айна мудио бўларди.

Шу мақсадда оилаларнинг даромадини кўпайтириш, иқтисодий масалалар — аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги уй-жойлар қуриш, тиббий ва маънавий хизмат кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш борасида амалга ошираётган барча ишларимизни шу йўлдаги энг муҳим вазифалар, деб қабул қилишимиз зарур.

Азизларим, сизларни яна бир бор зеболик ва нафосат байрамингиз билан муборакбод этаман.

Бугунги байрам шодиёнасида сиз, мухтарам аёлларимизнинг фидойи қалбингиз, беминнат меҳру муҳаббатингиз учун ҳар қанча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак, арзийди.

Иқболингиз банд, умрингиз узок, ризку насибангиз зийда бўлсин!

Бахтимизга доимо омон бўлинг, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ҚУЁШДЕК МУНАВВАР, БАҲОРДЕК ЛАТОФАТЛИ



Ҳар қандай жамиятнинг нуфузи кўп ҳиқатдан аёлларга эътибор ва ғамхўрлик билан белгиланади. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан хотин-қизларнинг маъқеини юксалтириш, уларнинг иқтисодий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишларида, ҳаётнинг турли жабҳаларида қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларда, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда жамиятимиз кўрки ва таянич бўлган фидойи аёлларимизнинг салмоқли улуши бор.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 5 март кун хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб


Ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова аёлларнинг

(Давоми 2-бетда).



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 март кун Оқсаройда "Фридом Хауз" ноҳукумат ташилотининг мамлакатимиздаги вакили Мария Северни қабул қилди.

"Фридом Хауз" инсон ҳуқуқлари ҳимоясига иктисослашган нодавлат нотижорат ташкилот сифатида юртимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди Президентимиз. — Бу ерда амалга оширган

қатор лойиҳаларингиз Ўзбекистон жамоатчилигига яхши маълум. Мамлакатимизда ўтган парламент сайлови арафасида бу муҳим иқтисодий-сиёсий тадбир тарихотида бағишланган халқаро конференция ва семинарларда ҳам ташилотнинг вакиллари фаол қатнашганидан мамнунимиз.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, шу жумладан, демократияни янада мустаҳкамлаш ва инсон

ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг мутолақа янги концепцияси жорий этилди. Судларнинг иктисослашуви амалга оширилди. Жиноят қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар жорий этилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга

қаратилган эзгу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон халқаро ташкилотлар, жумладан, "Фридом Хауз" ташилот билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур ташкилот томонидан юртимиздаги инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи ташкилотларга кўмак бериш ва уларнинг вакиллариини ўқитиш мақсадида Тошкент ва Наманганда Ресурс-ахборот марказлари очилди. Айна пайтда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

билан ҳамкорликда махсус дастурлар буйича иш олиб борилмоқда.

Мария Север хоним самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изхор этди. АҚШнинг "Фридом Хауз" ташилотини Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан амалий мулоқотга катта эътибор қаратаётганини қайд этди.

(ЎЗА).
СУРАТЛАРДА: қабул пайти.
Дилшод ЮСУПОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинларини пайҳон қилишга қарши қўрилаётган кураш чоралари яхши самара бермаётгани. Экинларни пайҳондан асрашни таъминлашга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фермерлар, деҳқонлар ва бошқа ердан қўриланувчиларни жалб қилишга етарли эътибор қаратилмаётгани. Натيجанда экинларни пайҳон қилиш ҳўжалиги ҳамон учрамоқда, бу эса галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги махсулотларининг ҳўсийлигини катта исроф бўлишига олиб келмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳўлатларга барҳам бериш, қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда тегишли идоралар раҳбарлари масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари раҳбарлари томонидан экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар қоникарсиз деб топилин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда бошқили ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳўлатларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

3. Республика "Маҳалла" жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

ҳўйларда қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларини пайҳон қилиш ва исрофгарчиликдан асраш бўйича комплекс ишларни амалга оширсин;

пайҳон қилиш ҳўллари нисбатан кўп учрайдиган жойлардан ердан фойдаланувчиларни жалб қилган ҳўлда кузатув постлари ташкил этсин. Дала қорувларини ишининг самарадорлигини оширсин;

экин майдонларида мол боқишга, автотранспорт воситалари ва қишлоқ ҳўжалиги техникасида қўриш ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келадиган бошқа қонидабазарликларга қарши курашни кучайтирсин;

чорва моллари фақат махсус ажратилган жойларда боқилишини таъминласин, экин майдонлари четларида мол боқишни қатъий тақиқласин;

пайҳон қилиш ҳўллари аниқланганда мол эгаси, автотранспорт, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ёки пайҳонга сабаб бўлган бошқа воситаларни аниқлаш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрсин, уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чораларини қўллаш учун тегишли органларга материалларни тақдим этсин.

Ҳўжаликлар раҳбарлари ички ишлар органлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда пайҳон ҳўллари аниқлаш ва бундай қонидабазарликларнинг олдини олишга қаратилган мунтазам рейдлар ўтказиш бўйича амалий чоралар кўрсин.

3. Республика "Маҳалла" жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари раҳбарлари билан бирга:

уй ҳайвонлари қишлоқ ҳўжалиги экинларини пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ва профилактика чора-тадбирлари мажмуининг амалга оширилишини таъминласин;

қишлоқ ҳўжалиги экинлари пайҳон қилинишини ҳўллари пайҳон қилиниши олиб буйича чора-тадбирларни амалга оширишга маҳалла фаолларини кенг жалб қилиш ва уларнинг имкониятларидан фойдалансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пайҳон жойида ушланган моллар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилганда ва унинг эгасига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий чоралар қўрилганда ва келтирилган зарар тўлиқ қопланганидан кейингина эгасига қайтарилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов):

экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрсин, профилактика ишларини олиб бориш учун тегишли постлар ташкил этсин, ҳар бир пайҳон ҳўлати юзасидан айбдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўласин;

амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ойда Вазирилар Маҳкамасига ахборот

тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) экинларнинг сақлашнинг таъминлаш учун зарур чоралар кўрмаган ва пайҳонгарчиликка йўл қўйган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳўжаликлар ва уларнинг тузилмавий бўлиналари раҳбарларини қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Б.Мустафоев)

Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргалликда экинлар пайҳон қилиниши учун жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни тарғиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

8. Узтелерадиокомпания (А.Қўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Хазраткулов) ва бошқа оммавий ахборот воситалари қишлоқ ҳўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, экинлар пайҳонгарчилиги ва нобудгарчилигига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг матбуот, радио ва телевидениеда мунтазам ёритилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 март.

АСКАР ОНАЛАРИ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги маъқеини янада ошириш ва меҳнатини қадрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юртимизда рўй бераётган муҳим иқтисодий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришларни хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, ҳар бир оиланинг бахт-саодати, юртимизнинг тинчлиги, оқилона-иқтисодий замирида ҳам оналарнинг чексиз меҳри, муҳаббати ётади. Чунки, Ватанга содиқ мард ва жасур

ўғлонларни, Қуролли Қўчларимиз сафида хизматини шараф билан ўтаётган аскарларни ҳам ана шу мунис ва меҳрибон оналар камолга етказган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўчларининг Марказий офицерлар уюмида ўтказилган аскар оналари слетида ана шу хусусда сўз юритилди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, аскарларнинг оналари иштирок этди.

Анжуманда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-майор Б.Ташматов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, республика

"Маҳалла" жамғармаси раиси А.Гадойбоев ва бошқалар армия билан халқ бирдамлиги тобора мустаҳкамланиб бораётгани, ҳарбий хизматнинг нуфузи ошадгани, жамоат ташкилотлари, жумладан, оналарнинг ҳарбий хизматчилар ва ёшларни миллий истиқлолга юксилтиришга ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари катта эканини таъкидлаб, аскар оналарини хотин-қизлар байрами билан самимий табриқлади.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

КАМЧИЛИКЛАРГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

ТЕРМИЗ (ЎЗА мухбири Чори ТУХТАЕВ).

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг янги таркиби аъзолари иштирокидаги кенгашда сузлаган нутқида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, 2004 йилда вилоятни иқтисодий ривожлантириш яқуларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшимуродов бошқарди.

Йиғилишда ўтган йили вилоятда муайян ютуқларга эришилгани қайд этилди. Пахта, галла, пилла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштириш бўйича шартнома мажбуриятлари муваффақиятли бажарилди. Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга эътибор ошди.

Ялли ички махсулот ишлаб чиқариш 5,9 фоиз кўпайди. Бироқ бу республика кўрсаткичидан анча past. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қўшма қорхоналар фаолияти қоникарли эмас. 15 мингга яқин кичик ва хусусий бизнес қорхоналарининг 16 фоизи ишламапти. Мавжуд 44 қўшма қорхонанинг ўнчасида махсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайиб кетган.

Фаоллар йиғилишида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сузга чиқди.

ҚУЁШДЕК МУНАВВАР, БАҲОРДЕК ЛАТОФАТЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлаш, Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан бажариш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди. Яқинда бўлиб ўтган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга аёллардан сайланган депутатларнинг аввалги сайловларга нисбатан икки ярим баробар кўпчилиги мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан юксак эътиборнинг яна бир намоиши бўлди.

Илм-фан, маданият ва санъат каби соҳаларда барчага намуна бўлаётган истеъдодли қизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис қилинган. Аънага кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги энг иқтидорли ва фаол ўн тўрт нафар қизга ана шу Давлат мукофоти тантанали топширилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Э.Воҳидов аёлларимизни гўзаллик ва баҳор байрами билан қутлади.

Ийгилишда сўзга чиққан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Нукус шаҳридаги санъат коллежи талабаси Гулбахор Аҳимбетова, Фарғона давлат уни-

верситети талабаси Наргиза Охунова мамлакатимизда хотин-қизларга, айниқса, истеъдодли ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг спикери Э.Халилов, Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ.
СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар. Д. ЮСУПОВ олган суратлар.



Дил изҳори

Сиз юрган боғларнинг фойзи ўзгача

Ойшахон ҚУЧҚОРОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Инсоннинг энг нобой бойлиги унинг соғ-саломат умр кечиришидир. Юртбошимиз ўғиб бораётган йилларимизни Сихат-саломатлик йили деб эълон қилганларидан асосий мақсад ҳам шу. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Айниқса, оналар ва болалар соғлигини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий омили ҳисобланади.

Истиқлол туғайли юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш ҳамда мустақамлаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, севаимли шoirимиз Абдулла Орипов айтиганидек:

*Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она десаи ном.*

Байрамингиз муборак бўлсин, оиланинг фойзу баракоти, нафосати ва муҳаббати бўлган мунис онахонлар-у оиланингиз!

Саида ШОҲМАНСУР, Туркия:

— Мен ота-бобларим, демакки, менинг ҳам ватаним Ўзбекистон ҳақида ҳар доим яхши гаплар айтилганда дилим айраб кетади. Узгарилардан қувонаман, юрт аёлларига кўрсатилаётган эътибордан дилим равшан тартади. Зеро, аёлни муқаррам билган элнинг юзи ҳар доим ёруғ бўлади.

Ҳазрат Навоий, Ҳазрат Бобур, Увайсий, Нодирабегим каби мумтоз шoirлар, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари бугуннинг ардоқли иҳодкорларининг асарларини ҳурмат билан мутулаа қиламан. Яқинда шундай замондошларимизнинг аёллар ҳақидаги аjoyиб шеърини ўқиб қолдим. Байрам арафасида мана шу гўзал ашъорнинг бир бандини такрорлагим келди.

*Аёллар, Сиз борсиз олам баркамол,
Сиз борсиз, бу ҳаёт кўрсатар жамол.
Сиз юрган боғларнинг фойзи ўзгача,
Баҳори, кузаги, ёзи ўзгача.*

Дилбар ШАРИПОВА, Когон тумани марказий касалхонасининг бош шифокори, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси:

— Жамиятда хотин-қизларнинг ўрни, аҳамияти қандай бўлади, деган саволни ўзимга бот-бот бериб тураман. Ва шунда ўзимча мулоҳаза қилиб жавоб бераманки, аёл ўз сўзини айтишга журъат этса, кўнглидаги эзгу ниятини амалга оширишга фурсат топса, ушандагина жамиятнинг эркин ва фойдаланувчиси айланади. Шу маънода айтган бўлсак, бугунги ўзбек аёли ҳар бир соҳада ўз ўрнини топиши учун уларга ҳуқуқимиз томонидан гамхўрлик кўрсатилаётган. Бу эътибор эса ҳар биримизга алоҳида масъулият ва гуруҳ бағишлайди. Мен она-сингилларимизни, барча аёлларни юртимизнинг бир умрлик ардоғида юришларини истайман. Уларнинг ишлариغا муваффақиятлар тилайман.

Одатда, 8 март — Хотин-қизлар байрами ақинлашаварса, улар учун ширин сўз ахтарамиз, энг нафис совгалар билан кўнглиларига шодлик олиб киришни истаймиз. Ас-саломат эса, энг улғу бойлик соғлиқ-омонликдир. Аёл саломат бўлса, фарзанд саломат, миллат омон, келажак бардавомдир. Шунинг учун ҳам уларнинг соғлиғи ҳақида қайғуриш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланади. Жорий йилнинг "Сихат-саломатлик йили" деб эълон қилинишини эса хотин-қизларимиз учун навбатдаги эътибор, десак, янглишмаймиз. Чунки бунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш асосий аҳамият касб этади. Шундай экан, яна бир бор айтаман, аёлларимиз омон бўлсинлар. Кўзлари фақат шодликдан намлансин, кўнглиларида гам бўлмасин.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН МОМО

8 март — Хотин-қизлар байрами арафасида Жиззах вилояти Фориш туманидаги Мажорум қишлоғида яшовчи Зулфия момо Муқимов хонадонига онахоннинг қариндошлари, қишлоқ кексалари, туман ҳокимлиги ва ижтимоий таъминот бўлими вакиллари йиғилди.

Зулфия момо 101 ёшга тулди. Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежиз айтилганман. Нуронийлар дуога қўл очган жойда имон-эътиқод мустаҳкам бўлади, осойишталик ҳукм суради.

— Не-не оғир даврларни бошдан кечирмадик, — дейди онахон. — Шукурки, фарзандларимиз бахтли, эмин-эркин яшайдиган замонлар келди.

Тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказган Зулфия момонинг 150 нафардан зиёд неварачавараси бор.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Шукурки, фасллар келинган, она табиатнинг эрка фасли бўлиши истиқлол баҳорини ўн тўртинчи марта кутиб олиш барчамизга насиб этди. Биз, кекса авлод вакиллари — бошларидан кўпалаб яхши ва ёмон кунларни ўтказган, анчагина камситиш ва ноҳақликларни кичирган инсонлар сифатида бир нарсага аминимизки, ҳақиқат ҳеч қачон синмайди, эзгулик ҳамма вақт галаба қозонаверади. Биргина Наврўз байрамини олайлик. Гарчи бу айёмни нишонлаш узоқ йиллар таққилаб қўйилган бўлса-да, унинг халқчиллиги йўқолмади. Истиқлол-

нинг кулғу эпкини Наврўзининг қаддини тиклади.

Хўш, бу гапларни нима учун айтаямиз. Гап шундаки, юртимиз мустақилликка эришгандан кейин байрамларимиз ўзгача мазмун-моҳият касб этди. 8 Март — Хотин-қизлар кунини қуруқ гап-сўзлар билан эмас, аёллар қадрини баланд кўтариш сари қўйилган амалий қадамлар билан ўтказилмоқда. Наврўзимиз ҳам, алоҳида кўтаринкилик ила нишонланаётган. Айниқса, бу йилги Наврўз байрамини кенг халқ сай-

Машқура САФАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари:

— Аввало, шунга айтиш жоизки, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ишлар марказида оналар фаровонлиги, инсон омили турибди. Мамлакат парламенти томонидан қабул қилинаётган қонунлардан тортиб, Президент фармонлари, ҳуқуқат қарорлари тағ-замирида ана шу эзгуликни кўраемиз. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили муайян ном билан аталиб, бунда ишлар Давлат дастури асосида мукамал режалаштирилган ҳолда амалга оширилиб келинаётганида катта мантқ бор. Ўзингиз айтинг, "Оила йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр ва мурувват йили", "Сихат-саломатлик йили" — буларнинг ҳар бирини халқимизга хос қадриятлар мужасам эмасми? Таскидлаш керак, булар жамиятимизнинг кўп қисmini ташкил этган хотин-қизлар ва болаларга бўлган эътиборнинг белгисидир.

Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим ва малака даражасини ошириш, уларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик ва давлат ҳокимияти идораларидаги

Кутлуғ кунлар шуқуқи

ли сифатида ўтказилиши дилларимизга яна ҳам қувонч бағишлади. Зеро, Наврўз ўз номи билан халқ сайлиди!

Шундай ҳайларда инсон беҳиёт ўзига қаратилган эътибор, гамхўрлик ҳақида қўйилади. Беадад шукурки, биз кексалар доимо эл эътиборидамиз, ҳуқуқимизнинг гамхўрлигимиз. Айниқса, бу эътибор "Сихат-саломатлик йили"да янада кучайди. Республикаимизда фаолият кўрсатган давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон фахрийлар-

Тиниб-тинчимас Саида

кўтариб юрмайди. Қўшни қўшиникига бориши учун кўчага минг хавотир-ҳадик билан чиқмайди. Ҳамма эзгу ният билан яшайди. Тўй қилсам, бола-чақамнинг ҳузурини кўрсам, дейди. Мана шундай беқиёс юртимизга, бетақрор заминимизга, ҳеч бир юрда топилмайдиган, учрамайдиган одамийлик анъаналаримизга кўз тегмасин, илоо!

Коммуна ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон халқ артисти.
Фозила СУЛАЙМОНОВА, филология фанлари доктори, профессор.



Шунингдек, Осиё чемпиониати совриндори. Бундан ташқари, Саида ўзбек қизлари орасида биринчи бўлиб Олимпиада (Сидней-2004) ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчи сифатида тарихдан жой олди.

Атрофдагилар Саиданинг тиниб-тинчимаслигини, мақсадлари йўлида ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишларини қўриб, уни халқимизнинг улғу Тўмарий-Нодирабегим сийғари аёлларига ўхшатишди. Ва аёллар ўз иродасио матонатни билан ибрат кўрсатган бўлса, Саида изланишу интилиши орқали бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Унинг иккита олий ўқув юртини тамомлаб, айна чоғда Тошкент аграр университети-нинг аспирантурасида таҳсил олаётгани ҳам фикримизга далилдир.

Қарангки, Саида байрам арафасида ҳам машғуллар билан банд экан. Биз уни Республика Олимпия захиралари коллежида сузиш бўйича ўтказилаётган мамлакат чемпионатида учратдик.

«Ҳам спорт, ҳам ўқишга қандай вақт топасиз?», деган саволимизга у шундай деди:

— Инсон ҳаракат қилса, ҳамма нарсага вақт топалади. Махсус дарсликлардан ташқари, бадий китоблар ўқиб тураман. Айни кунларда мамлакат биринчилиги ва октябр ойида ўтказилаётган Марказий Осиё ўйинларида голиб чиқишни мақсад қилиб қўйганман. Фурсатдан фойдаланиб, барча онахонларимиз, она-сингилларимизни кутлуғ байрамлари билан муборакбод этаман. Кайфиятлари ҳар доим байрамона бўлсин.

З. ЖОНИБЕКОВ.

АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

тида кўнглимни тоғдек кўтаради. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш — сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг қамшида ўттиз фоизи хотин-қизлар бўлиши мейёри киритилди. Бу, шубҳасиз, хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётида кенг қатнашишига катта омил бўлди. Қонунчилик палатасига 21 нафар аёл депутат этиб сайланди. Бу яна депутатларнинг 17,5 фоизини ташкил қилади. Демак, бундан кейин аёлларимиз сиёсий ҳаётларда, яъни парламент томонидан қабул

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш — сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг қамшида ўттиз фоизи хотин-қизлар бўлиши мейёри киритилди. Бу, шубҳасиз, хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётида кенг қатнашишига катта омил бўлди. Қонунчилик палатасига 21 нафар аёл депутат этиб сайланди. Бу яна депутатларнинг 17,5 фоизини ташкил қилади. Демак, бундан кейин аёлларимиз сиёсий ҳаётларда, яъни парламент томонидан қабул

қилинаётган қонунларда ўзларининг оқилона фикрлари билан, хотин-қизлар манфаатларини қўлаб-қўлингдек, оилалардаги муҳитни янада соғломлаштиришга ҳамда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустақамлашга қонунийлик асосида ёндашадилар.

репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ҳар бир оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, фарзандларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш масаласи кўрсатилган. Энди давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор олдида ҳар бир киши ўзини масъул қилиб, бола тарбиясига оналик ва оталик бурчи билан жиддий қарамас экан, олдимизга қўйган мақсадларга эришишимиз қийин. Болаларни Ватанга, ота-онага, оилага ва ўз халқига садоқат руҳида тарбияласак, улар баркамол инсон бўлиши. Шунинг учун ота-оналардан, педагоглардан ҳамда кенг жамоатчиликдан илтимос қилардимки, ҳар биримиз ўз бурчимизга виждонан ёндашсак, албатта, Юртбошимиз таъбири билан айтгандек, Ватанимиз келажакки буюк бўлади. Шунда мамлакатимизга ҳеч ким раҳна соломлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юрдошларимизга тинчлик, саломатлик тилаш билан биргаликда, мунис ва меҳрибон онахонларимизга, устозларимизга, маҳаллалар жамоаларига мана шу масъулиятни ишларни амалга оширишларида куч-қувват тилаймиз.

Фахр Соғинчани салом!

Забинисо Наимова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ўқиб юрган пайтларида тахририятимизга тез-тез келиб турарди. Ҳар нарсага қизиқувчан, тиниб-тинчимас бу қиз ўқиш даврида ҳам ўз фаоллиги билан устозларини, айниқса, хорижлик домларни қўйил қолдирган эди. Университетни тамомлаган, Забинисо АҚШлик мутахассисларнинг тақлими билан океан ортига йўл олди. Хозирги пайтда у Индиана университетиде аспирантларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бермоқда.

Байрам арафасида электрон почта орқали Забинисодан соғинч ва меҳр билан ёзилган мактуб келди:



— Бу ёрларда аёллар байрами биздагидек кенг нишонланмас экан. Кеча кўклам, 8 Март, Наврўз ҳақида хонадошларимга сўзлаб бераётган, она юртим, ота-онам, устозларим, дустларим кўз олдимдан ўтди. Газетангиз орқали бутун Ўзбекистон аёлларини, онахонларини, дугоналарини баҳор байрами билан чин қалбидан муборакбод этгим келди. Серқуёш ўлкамининг баҳорини шу қадар соғиндиким, бунини ифодалашга тилим ожиз...

2002-2003 йилларда газетамизда амалиёт ўтаган талаба-журналистлар орасида доимо биринчи бўлишга интилган, бугун эса Индиана университетиде "профессор Наимова" бўлиб танилган 22 ёшли бу ўзбек қизининг ишларига биз ҳам катта муваффақиятлар тилаб, байрам билан табриклаймиз. Ва миллатимизнинг ана шундай зебинисоларидан, уларнинг сафи кенгайиб бораётганидан фархланимиз.



Келажак — Оналар қўлида

Покистон Ислом Республикаси Жанубий Осиё минтақасида жойлашган мамлакат бўлиб, пойтахти Исламобод шаҳри ҳисобланади. Аҳолиси 140,5 миллион нафардан кўпроқ. Расмий тили — урду. Федератив республика тўртта музофот, пойтахт федерал округи ҳамда федерал тарзда бошқариладиган қабилавий худудлардан иборат.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Жек Стро таклифи

Ливандан Сурия қўшинларини олиб чиқиб кетиш борасидаги қақириқлар сони кундан-кун кўпайиб бормоқда. Ушбу талабни Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро қўллаб-қувватлаб чиқди. Жумладан, у Ливандаги Сурия аскарларини БМТнинг тинчликпарвар кучлари билан алмаштириш таклифини илгари сурди. Бундан олдинроқ, Саудия Арабистони ҳам шу масалада Фарбни маъқуллаганди.

Кузатувчиларнинг таъкидлашича, мабодо расмий Дамашқ ушбу қақириқни эътиборсиз қолдирадиган бўлса, Сурия халқаро тақиқловга дучор бўлади.

Суд жараёни давом этмоқда

Хабарингиз бор, жаҳон эстрада қироли Майкл Жексон устидан суд жараёни давом этапти. У ахлоқсиз ишларни амалга оширганликда гумон қилинмоқда. Кўшиқчи нисбатан ўн банддан ибрат расмий айблов эълон қилинган. Айни пайтда жабранувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланмоқда.



Мабодо ушбу даъволар ўз исботини топдиган бўлса, Жексон 21 йилгача озодликдан

Молдова:

Сайловолди эҳтирослари

Бугун Молдовада парламент сайловлари бўлиб ўтади. Сайловолди жараёнида бўлиб ўтган воқеалар ҳамда Днестрбўйи атрофидаги гаплар МДҲга аъзо ушбу давлатнинг Россия билан алоқаларини бироз чигаллаштирди. Айниқса, Молдова президенти Владимир Ворониннинг Киевда ушбу мамлакат президенти Виктор Ющенко ҳамда Грузия президенти Михаил Саакашвили билан музокаралари бу жараёнинг мураккаблашишига олиб келди. Россия Давлат Думаси шу муносабат

билан ўз йиғилишида расмий Кишинёвга қарши санкциялар эълон қилиш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилди.

Молдова президенти Владимир Воронин украинлик ва грузиялик ҳамкасблари билан «Россияга қарши дўстлашиш» ма-

гани ҳақида баёнот берди. Шу билан бирга, у Россия Давлат Думаси ва мамлакат оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини мушкуллаштирганлигини айтди, деб хабар беради «Эхо Москвы». Шунингдек, Воронин Днестрбўйи муаммосини Россия билан бемалол ҳал этиш имконлигини қайд этди.

Салим ДОНІЕВ тайёрлади.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Монополияга қарши қонунчилик ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун семинар бўлиб ўтди.

Рақобат қонуний бўлиши керак

Тазкидландики, мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш, монополистик фаолиятни чеклаш, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Қўмита томонидан уларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, монополистик корхоналарнинг давлат реестри юритилмоқда. Товарлар нархлари ва хизматларга тарифларнинг асосий равишда ўсиши устидан эса мониторинг ўрнатилган бўлиб, сифатсиз истеъмол товарлари ва хизматлар кўрсатилиши билан боғлиқ ноқонуний рақобатнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Лекин тадбиркорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги оқибатида баъзида қонунбузилиш ҳолатлари ҳам содир этилмоқда. Бу, айниқса, монополистик корхоналар билан шартнома тузилаётганда намоян бўляпти. Аслида шартнома икки томоннинг манфаатларини акс эттирувчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Шунингдек, кейинги пайтда қўмита жойлардаги ҳокимликлар, йирик корхоналарнинг монополияга қарши ва соғлом рақобат муҳитига зид бўлган айрим ноқонуний қарорларини аниқлаб, мутасадди идораларга уларни бекор қилиш юзасидан тақдирномалар киритди. Бу борада ишлар давом эттириляпти.

Семинар якунида журналистларнинг саволларига мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар батафсил жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон — Покистон:

ҲАМКОРЛИК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Мамлакатда икки палатали парламент ишлаб турибди. Давлатни президент бошқаради.

Мамлакат табиий-географик жиҳатдан жуда қулай минтақада жойлашган бўлиб, Покистоннинг жанубий қирғоқларини Арабистон денгизи ювиб туради. Шимоли-шарқий ҳамда шимоли-ғарбий худудлари Ҳимолой ва Хиндикуш тоғлари билан ўралган.

Мамлакат тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Покистон 1947 йилда Хиндистондан ажралиб, мустақил давлат сифатида шаклланди.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги ҳамда саноати ривожланиб бораёпти. Ялли ички маҳсулотдаги қишлоқ хўжалиги улуши — 22,3 фоиз, саноат маҳсулотлари — 16 фоизни ташкил қилади. Тўқимачилик саноати кенг ривожланган. Покистон фойдали таби-

ий қазilmаларга бой ўлка ҳисобланади. Газ, кўмир, магнетит, тош тузи конлари кўплаб учрайди.

Карачи ҳамда Косим портларидан йилга минглаб тонна юклар хорижга йўл олади. АҚШ, Япония, Хитой ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари билан савдо-сотик соҳасида кенг кўламли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон — Покистон ўртасида ҳам савдо-иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Афғонистонда тинчлик ўрнатилаётган бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан Трансафғон йўлагини очиш ва шу йўл орқали Карачи портига чиқиш борасида жиддий амалий ишлар қилинаёпти.

Яқинда иш бошлаган Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси Саъяд Камран ишонч

ёрлигини давлатимиз раҳбарига топшираётган пайтда ҳам Президентимиз Ислом Каримов икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ҳамкорлик янада кенг ривожланишига ишонч билдирди.

Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг мамлакатимизга расмий таширифи бошланмоқда. Икки давлат етакчилари ўртасида бўлиб ўтадиган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Покистон савдо-иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш, халқаро томонларни қизиқтирган масалалар муҳокама қилиниши кутилмоқда.

Юнус БҮРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Уруш қурбонлари

АҚШ армияси Ироқ урушида 1502 ҳарбийсидан айрилди. Уларнинг ҳар тўртасидан учтаси жанг пайтида ҳалок бўлди. Пентагон берган маълумотларда айтилишича, 11 минг нафар аскар жароҳатланган. Уларнинг ярми ўз уйларида мажруҳ ҳолда қайтиб келган. Америка қўмондонлиги вакили Ироқдаги исёнчи кучлар билан бўлаётган тўқнашувлар қурбонлар сонининг кўпайишига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

АНИК АЛОҚА АНИК ВАКТДА

Real-NEXT

тариф режаси

Тармоқ ичида:

кириш кўнғироқлари — **БЕПУЛ!**
 чиқиш кўнғироқлари — **\$0,06!**

Ўзбекистон бўйича кўнғироқлар — \$0,12!

Нархлар КҚС билан кўрсатилган.
 Тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмда амалга оширилади.

COSCOM
 ОЛИЙ СИФАТ ВА ХОТИРЖАМЛИК

Шунингдек, бизнинг «Интернет орқали маълумот олиш» хизматимиздан фойдаланинг.
 Сиз ўз ҳисобварағингиз ҳақидаги маълумотни компаниянинг **WWW.COSCOM.UZ** web-сайтидан олишингиз мумкин.

Энг кам тўлов:
 битта активация учун фақат **\$1** тўланади,
 ҳар ойлик абонент тўлови — **ЎЎК!**

Хизматлар лицензияланган.

Нархлар КҚСсиз кўрсатилган.
 Тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Тел.: (+998 93) 180 0000, 181 0000.

Наврўз навоси

УМУММАМЛАКАТ МАРАФОНИ

Наврўз айёмига бағишланган ушбу тадбир 17-27 март кунлари бўлиб ўтади

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» шiori остида илк бор ташкилланган марафоннинг дастлабкиси 2004 йилнинг декабрь ойида Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилганди. Унда спортчилар билан бирга 100 минг нафардан зиёд аҳоли қатнашганди. Наврўз айёмига бағишлаб бўлиб ўтадиган набатдаги оммавий спорт ҳаракатидан қўзланган асосий мақсад «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимиз аҳолисини, айниқса, ўқувчи-ёшларни оммавий спорт машғулоти билан қўзғатиш, уларда миллий гурури, юртга бўлган меҳр-муҳаббатни шакллантиришдан иборатдир.



Ўтган, жисмонан соғлом бўлган 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган хаваскор югурувчилар қатнашаётганлар.

Умуммамлакат марафонининг республика босқичи уч йўналишда уюштирилди. Биринчи йўналиш: «Нукус — Урганч — Бухоро — Тошкент», иккинчи йўналиш: «Термиз — Китоб — Самарқанд — Тошкент», учинчи йўналиш эса «Наманган — Андижон — Фарғона — Анрен — Тошкент» йўллари бўйлаб ўтади. Бу йилги марафоннинг аввалгисидан фарқи, республика босқичида Сирдарё вилояти терма жамоаси Нукус шаҳридан, Жиззах вилояти вакиллари Термиз шаҳридан, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамкорлигида ўтказилди. Оммавий спорт ҳаракатининг биринчи муваффақияти ўтганда, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг оммавий спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш бошқармаси бошлиги Алишер Эшонкулов. — Фақат спортчиларни югуртириш эмас, барчани оммавий спортга жалб этишни мақсад қилиб қўйилди. Мақсадимизга эришдик. Бу йилги марафонда яна бир муҳим жиҳатга эътиборни қаратмоқчимиз, яъни, марафон иштирокчилари ўтадиган ҳар бир аҳоли пунктларида спортнинг инсон соғлиги учун фойдали томонлари ҳақида тарғи-

дан ортиқ идора ва корхона ишчилари, юзлаб фермер ва тадбиркорлари ана шу йўл бўйида бўладиган бу маъракага чиқадилар. Йўл бўйларидида гулзорларга экиш учун 100 минг дона атиргул, 150 килограмм гул уруғлари, 35 минг дона мевали ва 100 минг дона манзарали дарахт ниҳоли хозирлаб қўйилди. Уй ва хонадонларни оқлаб-тозалаш учун техника ва одам кучлари белгилаб чиқилди. Икки кунлик хашарда, катта йўл ободончилиги ишларига шахар ва вилоятимизнинг йирик ташкилотлари ишчилари ҳам қатнашиб ниятини билдиришяпти.

Хадемай, Карманга ҳам баҳор ўз гиламининг ёзади. Агроф-теварак гўзал бир тусга кирадики, ҳатто ҳавас ишқидан турган тоғлар ҳам елкаларида чечак ва лолаларни кўтариб шаҳримизга яқинлашгандек бўлиб қолади.

Ҳақиқий сайилнинг завқини ҳис этиш нияти бўлса, момоларимиз ёнган патиру сомсалардан татиб кўроқ истасангиз, пўлат отларни бақувват билаларини ишга шайлаб қўйган фермерларимиз билан суҳбатга иштиёқ бўлса Карманга келинг. Бу йил сайил янада хуррам, тинч-осойишта, тўкин-сочин дастурхон атрофида ўтади. Бундай дея олишга тўла асос бор. Карманликлар 2004 йилни барча кўрсаткичлар бўйича яхши якунлаб, пахта, галладан катта хирмон ўйдилар. Халқимиз мустақиллик ато этган буюк бахтдан шодмон ҳаёт кечирмоқда.

Сарвиноз ХОЛОВА, Тошкент Молия институти талабаси, Эркин ЭРНАЗАРОВ, журналист.



Карманга сайилга келинг

Самарқанддан Бухорога қараб йўл олсангиз, «Зарафшон» соҳилидаги Карман шаҳрига кириб келасиз. Унинг икки томони, олис-яқинда ястаниб ётган Нурота ва Карнаб тоғларига бориб тутади. «Қизилқум» ҳам худди шу шаҳар этакларига келиб чарчагандек, ўз ўрнини кўм-кўк адир ва далалар, қишлоқ ва боғларга бўшашиб беради.

Табиати гўзал, баҳаво, сувлари тиниқ ва ширин бўлганидан Бухоро амирлари бу ерда Хончорбоғ, Мирзачорбоғ каби дилқушо ёғи масканларини барпо этишган. Қосим Шайх Азизхон, Мир Саид Баҳром, Хазрати Дегарон, Малик Работ-у сардобалар бу азиз юртининг узок-узок ўтмишларидан дарак беради. Карман бағрида воёга етган, гўзал макон Навоий шаҳри, дарёнинг нариги қирғида жимжимдор гиламлардек ёйилиб ётган Навабахор тумани далаларини шаҳримиз ҳуснига ҳусн этиб туради. Ўтган йилнинг айна шу кунлари арафасида туманга Карман деган тарихий номи қайтариб қўйилди.

Маҳаллалари, ховлилари иссиқ-иссиқ тандирларида ёпилган исмалоқ, ладана (ялпиз) сомсаларнинг ҳиди девору кўчалар ошиб Мир Саид Баҳром ёшлар боғига келиб кўна ва киши димоғига ажиб кайфият бахш этади. Бу боғ-хёбон ҳам таъмирланиб, тикланди, янги йил — янги кун сайлини маҳаллалар шу ерда ўтказишади.

Маҳаллада катта обрў қозongan, узок йиллар эл-юрт орасида ишлаб, энди кексалик гапни сураётган Ойсулв ая байрам томошаларда қизларга, отин аяларга бош бўлиб, сумалак, халиса, ош пишириш режаларини тўзиб берадилар. Маҳалла маслаҳатчиси Рисолат опа Раҳматова йил Наврўз байрамида бўладиган яна бир хайрли иш ҳақида гапириб берди. Бу ерда Наврўз байрами кунини туман ёшлари учун янги спорт саройи ишга туширилади. Қурилиши карманлик сарғайрат тадбиркор Сарвар Рузиев бошчилигидаги бинокорлар ўз зиммаларига олишган. Қўрғани билганини ўзига ром қилиб қўядиган бу сарой туман ёшларига хадемай ўз куч-қисмини очади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

«Зомин тумани маркази ва Даштобод шаҳарчасини Зомин сув омборидан сув билан таъминлаш»

объекти учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Буюртмачи — Жиззах вилояти, «Зарафшон» ҳўжалик ҳисобидидаги бошқармаси. Манзили: Галлаорол тумани, «Сувчилар» маҳалласи, 2/1-уй, тел.: 2-16-67.

Қурилиш ишлари «Ўзкоммункизма» агентлиги объектлари қурилиш ишжамиятининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ишлаб чиқарувчи ва таъминотчи ташкилотлар зарурий профессионал ва техник малакага, молиявий имкониятларга, ишчи ресурсларга, шартнома тузиш учун фуқаролик ва юридик ҳуқуқга эга ҳамда тажрибали ва ишончли бўлишлари керак.

Барча таклиф этиладиган махсулотлар сертификатланган (лицензияланган) бўлиши шарт.

Танлов савдоларида голиб чиққан ташкилотлар бош пудратчилар билан шартнома тузиладилар.

Танлов савдоларида иштирок этишни ҳоҳловчилар — Жиззах вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига танлов ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар кун соат 9.00дан 18.00гача қўйдаги манзил бўйича мурожаат қилишлари сўралади.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир шартнома танлов ҳужжатларини нархи — 50 000 (пятидесяты тысяч) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этилиши охириг мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати гача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин юқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қурилиш тўлалигича (под ключ) қуриб фойдаланишга топшириш шартли билан қўйдаги ишюмта пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Ромитан тумани, Э.Ходжаев номили ширкат ҳўжалиги, Қоқиштовон қишлоғидаги мактаб-лицейни 300/50 ўқувчига мўлжалланган касб-хунар коллежига қайта қуриш.

Қурилиш тўлалигича мuddати — 3 ой. Буюртмачи — Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси. Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 5-уй. Тел/факс: 223-63-26, 223-62-17.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйдаги талабларга мос келишлари керак: устав сармоясини миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорда айлана маблағларга ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (ишматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захиралигига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, узаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи захиралигига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро ш., Навоий шоҳқўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51. Оферталар юқоридидаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар бир тўламининг қиймати — 50 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этилиши охириг мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қўйдаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик залида соат 10.00 да.

Санъатимиз фидойилари

«Ёрилтош»дан чиққан Оймомо

Пойтахтимиздаги Муқимий номи мусиқали драма театри ҳақида гап кетганда, элимизнинг ардоқли кишиларига айланган бир қатор устоз санъаткорлар кўз ўнгимизда галдаланади. Чунки Сайиб Ҳўжаев, Лutfихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаровдек санъаткорлар иштирокидаги роллар бугунги томошабин учун ҳам ниҳоятда қадрлидир. Айни пайтда устозлар анъанасини давом эттириш билан бир қаторда ўзи ҳам устозлик рутбасига эришган нуруний санъаткорлар мазкур даргоҳда иход қилиб келишмоқда. Шулардан бири Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматовидир.

Юртимизда унинг номини эшитмаган санъат мухлисини топиш қийин. У кишини «Фарход ва Ширин», «Равашан ва Зулхумор», «Тоҳир ва Зухра» спектаклларида яратган бетакор образлари орқали мухлиснинг яхши билишиди. Эл-юрт хурмати гасазовор бўлган санъаткор айни пайтда ҳам театр сахнасида, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувларида турли ролларни маҳорат билан юрдиб элиб келаётган.

Яқинда опани йўқлаб, у кишининг хонадонларида бўлдим. Опа бизни очик юз, ширин табассум билан кутиб олган, дуо қилдилар. Сўнг кўзлариди халқаланган ёшларни артиб: — Айбга буюрмайсизлар, кексайганда кўнгил бўшроқ бўлиб қоларканим, — дедилар нурунийларга хослик билан.

У кишининг қалбидан бир умр ўймайдиган хотираларини тинглар эканмиз, бундай секин ёшларини кўп бор тўқналарига гувоҳ бўлдим. Айниқса, у кишининг ҳаётларида ўчмас из қолдирган илк ролни унутиш қийин. Ушанда ўн ёшли қизалоқ Қашқадарё вилоят театрини «Ёрилтош» мусиқали томошасида иштирок этиб, Оймомо ролини ижро этиб томошабин олқишига сазовар бўлган.

Шундан кейин у Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрига ишга таклиф этилди. Музаффар Мўхаммедов режиссёрлигида сахналаштирилган «Алпомиш» мусиқали драматизацияда бош қаҳрамон Барчин образини тўлақонли ижро этиб, элга танилганда, бу спектаклни кўриш учун одамлар чиптага навабатга турганини кўрганда ҳам, 1957 йилда хорик сахнасида «Равашан ва Зулхумор», «Нурхон», «Олтин кўл» мусиқали драмаларида етакчи роллари маҳорат билан ижро этиб, олқишга сазовор бўлганда ҳам кўзлариди қувонч ёшлари халқаланган бўлса ажабмас.

Опани устоз сифатида қадрлаб, унинг йўл-йўриқларига риоя қилиб келаётган кейинги авлод вакиллари ҳам

кам бўлишмади. Марям Ихтиёрова, Зулайхо Бойжонова, Наима Пулатова каби шоғирлари Ўзбекистон халқ артисти, республикада хизмат кўрсатган артист унвонларини олганди улардан ҳам кўпроқ ўз кўнуди.

— Бу кўнуд даргоҳга кимлар келиб, кимлар кетмади, — дейди опа. — Мусиқали драманин мураккаблигига, актёр зиммасига юклайдиган масъулият юкига чидаш қийин. Лекин касбига нисбатан улкан меҳр, садоқат туфайли ушбу даргоҳимизда хизмат қилаётганларини ҳар қанча қадрласак, арзийди.

Бугунги кунда ҳам ушбу даргоҳда истеъдодли актёрлар кўп. Уларнинг бошини қувватлаб, йўл-йўриқ кўрсатиб туришда ҳам Фароғат аянинг ўзига хос ўрни бор. Зотан, меҳроқибатда, бир-бирини қўллаб-қувватлашда ҳижмат борлигини устоз ҳаммадан кўра кўпроқ аңғайди ва бошқаларни ҳам шунга даъват этади.

Бояр ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

норматив-техник ҳужжатларни типография усулида чоп этиш учун танлов эълон қилади.

Аризалар 2005 йилнинг 31 мартигача қабул қилинади.

Танлов шартлари билан танишиш учун қўйилган манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 136-91-48, 136-63-32.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ф. А. Мавлонов номидаги Сейсмология институти жамоаси институт илмий котиби М. Т. Усмоновага турмуш ўртоғи

Тўлқин ИКРОМОВнинг

вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ўқув-даволаш комплекси тиббиёт коллежи жамоаси ўқитувчи

Матлуба Қайомова ГУЛЯМОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва барча яқинларига чўқур ҳамдардик изҳор этади.

Якқасарой тумани ҳокимлиги жамоаси Якқасарой туманида фаолият кўрсатётган «Она — Напис» хусусий фирмаси раҳбари Напис Тошпулатовага волидан муҳтарамаси

Ташбиби ТОШПАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 261, 32634 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетxonлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшед Тоғиев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан сахфаланди. Тақририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. Г — Тежорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орннов. Навбатчи муҳаррир — А. Хайдаров. Навбатчи — Ю. Бурунов. Муъассис — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 21.30 Тошширили — 21.30 123456